

Халқаро конференция

иштирокчилари ТАТУ Самарқанд филиалида

15 сентябр куни Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида "Ал-Хоразмий-2014 — амалий математика ва ахборот технологиялари актуал муаммолари" мавзuida тўртинчи Халқаро илмий конференция очилди. Уч кун давом этган нуфузли анжуманда ўндан ортиқ хорижий давлатнинг етук олимларидан ташкил топган делегациялар иштирок этди.

Урганчда бўлиб ўтган биринчи Халқаро илмий конференцияда Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солиб, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиққанлиги, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифи эканлиги ҳақида фикр билдирганди. Буюк алломанинг дунё илм-фани ривожигадаги хизматлари эътироф этилиб, Шарқ алломалари орасида фақат унинг номи ва асарлари "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилганлиги кенг таъриф этилган. Иккинчи ("Ал-Хоразмий-2009") ва учинчи конференция ("Ал-Хоразмий-2012") Тошкентда — Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган эди.

7-бет



ТЕЛЕФОНОМАНИЯ

Уч ой аввал қарийб 2 млн. сўмга iPhone 5 смартфонни сотиб олганди, бугун уни арзонроққа сотаяпти. Ёқмагани, эскиргани ёки бузилгани учунмас — iPhone 6 чиқибди. Шунисидан олмоқчи...

Телефономания кўринишларидан бири бўлган юқоридаги ҳолатни атрофимиздагилар мисолида кўриб, гувоҳи бўляпмиз. Ўтган йили тақдим қилинган смартфоннинг бу йилги янги туркумидан фарқи жудаям катта эмас. Кўшимча айрим функциялар, экраннинг бироз катталиги... аслида булар мобил алоқа фойдаланувчиси ҳаётини ўзгартирадиган ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бироқ, ҳар бир янги моделни олишга мажбур қилаётган

психология йилдан-йилга шаклланиб, кучайиб борапти. Бунинг кўринишлари айрим хорижий мамлакатларда юқори нуқтага чиқиб бўлган. iPhone'нинг янги туркуми чиқишидан бир неча кун аввалдан расмий дўконларда навбатлар юзага келяпти. Кунлаб навбат кутиб, смартфон оладиган кишиларнинг ундан қандай "ташналик" билан фойдаланишини тасаввур қилиш қийин эмас. XIX аср охирида оддий телефонлардан кўрқиб қолганлари (телефонофобия) кузатилган экан, бугун эса миллионлаб кишилар бошқа хасталик — телефономания (мобил телефонга қарамлик)дан азият чеқмоқда.

7-бет

УШБУ СОНДА:

Сўнги янгилик!

Буюк Британиянинг Quacquarelli Symonds (QS) компанияси олий ўқув юртлари анъанавий рейтингини эълон қилди. Биринчи ўринни, худди олдинги йилгидек, Массачусетс технология институти банд этди. Кейинги ўринлар Британияда жойлашган Кембриж университети ҳамда Лондон Империя коллежига насиб этди.

ТОП-10га, шунингдек, Гарвард, Оксфорд, Стэнфорд, Принстон ва Йел университетлари, Лондон университет коллежи, Калифорния технология институти киритилган.



- АНОНС: InfoCom-2014 АКТ ҳафталиги 2
- "Матбуот тарқатувчи" АК: Янги кулайликлар 3
- Инсоннинг "оғирлиги" неча гигабайт? 4
- Янгиладанаётган Жиззах 5
- Олтин давр оҳанглари 8-9
- Е-СПОРТ: Барча финалчилар аниқланди 12

Umadan umagacha

● 16 sentabr kuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги ҳамда "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлари эълон қилинди.

● Самарқандда "Сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш борасида очиқлик, ошкораликни таъминлаш, қонунийликка риоя этиш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзuida халқаро конференция ўтказилди. Анжуман иштирокчилари мамлакатимизда истиқлол йилларида сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни демократик талаблар ҳамда умумэтироф этилган халқаро стандартларга қатъий амал қилган ҳолда юсак савияда ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деган ақдл хулосага келишди.

● Фаргона вилояти Бувайда туманида "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ЁИХ вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ўқувчи ва талабалар, халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчи ёшлар иштирок этди. Тадбирда бир гуруҳ фаол ёшлар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бувайда тумани ёшларига Президентимиз совғаси — "ISUZU" автобуси топширилди.

● Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўладиган XVII Осиё ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. 2014 йилнинг 19 сентябр — 4 октябр кунлари Инчон шаҳри мезбонлик қиладиган XVII Ёзги Осиё ўйинларида 300 нафарга яқин спортчи 32 спорт тури бўйича ўтказиладиган баҳсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.



АНОНС: INFOCOM-2014 АКТ ҲАФТАЛИГИ

22-26 сентябр кунлари мамлакатимизда InfoCom-2014 АКТ ҳафталиги бўлиб ўтади. Ҳафталик доирасидан бир қатор муҳим тадбирлар ўрин олган. Келгуси ҳафтадан бошланадиган ушбу тадбирлар анонси билан яна бир бор таништириб ўтамиз.

"BEST SOFT UZBEKISTAN 2014" ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ ВА ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Дастурий маҳсулотлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган мазкур форум ҳамда кўргазма 22 сентябр кунини пойтахтдаги "Ёшлар ижод саройи"да бўлиб ўтади. Батафсил маълумот bestsoft.uz сайтида.

"UZ МИЛЛИЙ ДОМЕНИ 2014" ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛИ

"UZ Миллий домени 2014" интернет фестивали голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ҳам 22 сентябр кунини 18.30да "Ёшлар ижод саройи"да ташкил этилади.

Батафсил маълумот if.uz сайтида.

АКТ САММИТ-2014

АКТни ривожлантириш бўйича қатор долзарб мавзулар муҳокама қилинадиган Саммит 23 сентябр кунини пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида ўтказилади.

Батафсил маълумот: www.ictweek.uz/ictsummit.

ICTEXPO-2014 ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

Ҳафталик доирасидаги энг йирик тадбир — ICTExpo-2014 миллий ахборот технологиялари

кўргазмаси бу йил 24-26 сентябр кунлари бир вақтнинг ўзida Тошкент, Урганч ва Гулистон шаҳарларида бўлиб ўтади.

Пойтахтдаги кўргазма "Кўргазмасавдомаркази" мажмуасида бўлиб ўтади.

Кўргазма дастури ва унинг доирасида ўтказиладиган тадбирлар ҳақида ictexpo.uz сайтидан маълумот олиш мумкин.

ТАДБИРЛАР

24 сентябр кунини соат 15.00да "Кўргазмасавдомаркази" мажмуасида юртимизда интернет провайднинг ва миллий контентнинг ривожига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтади.

25 сентябр кунини "Кўргазмасавдомаркази" мажмуасида "ICT-STUDENT" компьютер спорти бўйича универсиада ўтказилади.

26 сентябр кунини "Пойтахт" бизнес-марказида "Электрон ҳукумат" ҳукумат платформасида ахборот воситалари ривожланишини қонуний тартибга солиш" мавзuidaги халқаро семинар бўлиб ўтади.

26 сентябр кунини "Кўргазмасавдомаркази" мажмуаси залида Uzbekistan CyberGames 2014 компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг якуний финал босқичи ўтказилади ҳамда 27 сентябр кунини "Зарафшон" маросимлар залида голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

АКТ-ХАВАРЛАР

Тадбиркорлар учун

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида "Тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжлари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини харид қилиш учун буюртма тақдим этиш" хизмати жорий этилди. Энди бизнес фаолияти учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энгил ёки тижорат транспорти воситасини харид қилмоқчи бўлган тадбиркорлар иш жойларини тарқ этмаган ҳолда автотранспорт модели ва ҳудудий дилерни танлашлари, кейинчалик ушбу моделни танланган дилердан харид қилиш учун олдиндан банд этиб қўйиш имкониятига эга бўдилар. Ягона порталда банд қилиш учун "GM Uzbekistan" ЁАЖ, "Samarqand Avtomobil Zavodi" МЧЖ ва "JV MAN Auto — Uzbekistan" ҚҚ компанияларининг моделлари тақдим қилинган.

Қашқадарёда "Электрон кутубхона"

Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида "Электрон кутубхона" фаолияти йўлга қўйилди. Шу тариқа бу ерда 70 мингга яқин китобларнинг электрон каталоги яратилди. Хусусан, 70та чет тиллардаги адабиёт ушбу виртуал каталогга киритилди. 400дан ортиқ адабиётларнинг тўлиқ электрон матни фойдаланувчилар учун тақдим этилди.

— Китобхоналаримиз dilib.uz сайти орқали ўзи истаган китобни топиб ўқиш ёки уларни электрон қурилмаларига кўчириб олиш имконига эга бўдилар, — дейди "Электрон кутубхона" бўлими мудир Лобар Пармонова. — Ҳозир бу ерда 82404та бадиий адабиёт, 183та нодир асар сақланмоқда. Шунингдек, чет тиллардаги 2461 китобимиз мавжуд.

Имконият

Ўзбекистон ТИВ сайти кўриш қобилияти чекланганлар учун ҳам хизмат кўрсата бошлади — вазирлик расмий сайти кўриш қобилияти чекланган фойдаланувчилар учун ҳам бундан буён ўзбек, рус ва инглиз тилларида хизмат кўрсатишини маълум қилди.

"Кўзойнак кўринишидаги белгини ҳамда "Контраст версия" тугмасини босиш орқали сайтда ахборот материалларни аниқ ва равшан кўрсатувчи махсус режим ишга тушади. "Шрифтни катталаштириш" хизмати ҳам йўлга қўйилган. Сайт фойдаланувчилари матн катта-кичиклигини ўзларига қулай тарзда ўзгартиришлари мумкин", — дейилади ТИВ матбуот хизмати хабарида.


Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан "Босма ОАВни янада ривожлантириш йўлида белгиланган чоратadbирлар, обуна нархларини пасайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ва нашрларнинг обуначиларга белгиланган мuddатда етиб боришини таъминлаш" мавзусида матбуот анжумани ташкил қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, "Матбуот тарқатувчи" АК масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари қатори вақтли матбуот нашрларини ишлаб чиқарадиган, манзилларга етказиб берадиган ва тарқатадиган ташкилот ҳамда идоралар зиммасига ҳам катта масъулият юкланганлигини таъкидлаб, бу борада компания томонидан босма ОАВни тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, обуна каталогига киритилган нашрларнинг нархини пасайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар ва режалар ҳақида фикр юритишди.

Компания тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш ҳамда аҳолига қўшимча

"Матбуот тарқатувчи" АК: Янги қўлайликлар



Компаниянинг www.akmt.uz веб-сайтидан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали обуна қабул қилиш йўлга қўйилган ва бу хизмат тури янада ривожлантирилмоқда.

лик қилипти. "Матбуот" дўконлари мавжуд бўлмаган жойларда матбуот тарқатиш ишларини амалга ошириш почта алоқаси бўлимлари томонидан йўлга қўйилган.

2015 йил учун обуна уюштиришда муштариоларга янада кўпроқ қўлайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум ва ташкилотлар кўп жойларда 840та "Матбуот" дўконлари орқали обуна қабул қилиняпти.

Жорий йилда компаниянинг обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича тарифлари сезиларли даражада пасайтирилди ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ даврий нашрларни вилоят марказларигача етказиб бериш тариф-

хизматлар кўрсатиш сифатини янада такомиллаштиришни таъминлаш ва тизимни ривожлантириш мақсадида "2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш дастури" қабул қилиниб, режалаштирилган ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Дастур доирасида тизим корхоналаридаги "Матбуот" дўконларининг 737таси жорий ва 218таси капитал таъмирланди, маркетинг тадқиқотларига асосан аҳоли гавжум жойларга 128та янги кўринишдаги дўкон жойлаштирилди ҳамда пойтахтимизнинг марказий кўчаларига янги 85таси ўрнатилди.

Вақтли матбуот нашрларини тарқатишда компания 14та вилоят почта алоқаси филиаллари, "Халқаро почтамт" филиали, барча туман почта тармоқлари ва алоқа бўлимлари билан ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Узоқ қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолига газета ва журналларни етказиб беришда компания почта алоқаси ташкилоти билан ҳамкор-

лари ўтган йил миқдориди сақлаб қолиниб, компания имкониятларидан келиб чиққан ҳолда баъзи нашрлар, хусусан, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга даврий нашрларнинг обуна нархларини пасайтиришга эришилди. Обуна каталоглари шакллантирилганда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болалар нашрларига имтиёзлар қўйилди.

"Матбуот тарқатувчи" АК ва "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг вилоят ва туманлардаги барча бўлимлари, шунингдек, барча алоқа бўлимлари ҳамда "Матбуот" дўконлари обуна уюштириш ҳужжатлари билан таъминланган ҳолда обуна ишлари олиб борилмоқда.

Компаниянинг www.akmt.uz веб-сайтидан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали обуна қабул қилиш йўлга қўйилган ва бу хизмат тури янада ривожлантирилмоқда. Барча тахририятлар компаниянинг веб-сайти орқали доимий равишда 2015 йилга обунанинг бориши бўйича онлайн ҳолатда маълумотларни олишлари учун имконият яратилган. Нашрларга обуна уюштирилиши бўйича тезкор маркетинг натижалари ҳар 10 кунда сайтга жойлаштирилади. Мазкур сайтда обуна каталогининг электрон кўриниши ҳам жойлаштирилган. Шунингдек, мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида компания шохобчаларидаги терминаллар сони 270тага кўпайтирилди. Шу билан бирга, турли электрон тўлов тизимлари орқали обуна уюштиришга ва ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишга имконият яратилган.

Компаниянинг чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 турдаги китоб маҳсулотлари савдога чиқарилган бўлса, бугунги кунда 1400га яқин турли китоб маҳсулотлари тармоқ дўконлари орқали сотувга қўйилган.

Ўз мухбиримиз

ОММАВИЙ

АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНДИР ВА ҚОНУНГА МУВОФИҚ ИШЛАЙДИ. УЛАР АХБОРОТНИНГ Тўғрилиги учун БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ЖАВОБГАРДИРЛАР. ЦЕНЗУРАГА ЙўЛ Қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XV боб, 67-модда.

Xabar

Мен нима учун "ХАВАР"га ОБУНА БўЛАМАН?



Дониёр ФАЙЗУЛЛАЕВ, "UNICON.UZ" ДУК сертификатлаштириш бўлими бошлиғи:

— "Xabar" АКТ ривожланиши борасидаги янгиликларни тезкор ёритади. Бу борада газета саҳифаларида республикада ўтказилаётган халқаро анжуман ва форумлар тўғрисидаги мақолаларга кенг ўрин берилиши менга ёқди. Соҳа ривожига ҳисса қўшаётган мутахасссларнинг иш тажрибалари, ёш ходимларнинг тақдирлари саҳифаларга олиб чиқилишидан хурсанд бўламан. Шу сабабли ҳам ҳар йили "Xabar" га биринчилардан бўлиб обуна бўламан.

"Xabar" газетаси жамоасига кейинги ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.



Арофат НУРИТДИНОВА, "UNICON.UZ" ДУК етакчи муҳандиси:

— "Xabar"нинг алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги бўлаётган янгиликларни тезкорлик билан ёритиши ёқди.

"Алоқа оламида" рухни остида берилдиган қисқа хабарлар, "Электрон ҳукумат": чет эл тажрибаси саҳифасида дунё миқёсидаги соҳа янгиликлари ёритилган мақолаларни қизиқиб ўқийман.

Истагим — "Xabar" доимо соҳа мутахасссларининг биринчи бўлиб ўқийдиган газетаси бўлиб қолаверсин.

Хабиба РАСУЛОВА, "UNICON.UZ" ДУК илмий кутубхонаси мудири:



— Ҳар йили тахририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб "Xabar"га обуна бўламыз. Келгуси йил учун ҳам ташкилотимизнинг 170 нафар ходими газетга ёзилиши. Энг муҳими, газетани доимо ўз вақтида қўлимизга оляпмиз. Тахририят билан тўғридан-тўғри обунани уюштиришнинг афзалликлари кўп экан.

Xalqaro haqot



● БМТ маълумотларига кўра, айти дамгача 4985 киши Эбола вируси билан касалланган шахслар сифатида рўйхатга олинган, уларнинг тахминан 2,5 минг нафар ушбу вирус туфайли нобуд бўлган. АҚШ Африкага уч минг нафар ҳарбийни Эбола вирусига қарши курашиш учун юборган ва кенг миқёсда гигиеник таълим борасидаги тиббиёт курсларини йўлга қўйди.

Эбола вируси 2014 йилнинг феврал ойида Гвинеяда пайдо бўлди. Кейинроқ вирус Серра-Леон, Либерия, Нигерияга, август ойининг охири сентябр ойининг бошларида эса Эбола Конго Демократик Республикаси ҳамда Сенегалга ҳам тарқалгани маълум бўлди.

● АФГОНИСТОН хавфсизлик кучлари томонидан мамлакат турли минтақаларида ўтказилган амалиётлар натижасида Толибон гуруҳининг 73 аъзоси йўқ қилинган. Амалиётларда, шунингдек, Афғонистоннинг турли нуқталарида йўл ёқаларига ўрнатилган 40 бомба топилиб, зарарсизлантирилган. Мудофаа вазирлигининг эълон қилишича, қуролланган муҳолифлар билан тўқнашуларда ва йўл ёқаларига ўрнатилган бомбаларнинг портлаши натижасида тўрт нафар афғон аскарлари ҳалок бўлган.

● ПЕРУ жанубидаги тоғ устидаги йўлда кетаётган йўловчи автобуси 200 метр чуқурликдаги дарага қулаб тушди. Маълумотларга кўра, ушбу ҳодиса туфайли камида 20 киши ҳаётдан кўз юмди, 11 киши эса жиддий жароҳат олди. Фожеа содир бўлган ҳудудда полициядан ташқари ўт ўчирувчилар ва кўнгилчилар ҳам қутқариш ишларида иштирок этишмоқда. Фожеа сабаблари ўрганилмоқда.

● ЕВРОПА ИТТИФОҚИ Россияга нисбатан янги санкциялар жорий қилди. ЕИ санкцияси рўйхатига 119 киши тушди. Рўйхатга тушганлар орасида ЛДПР етакчиси Владимир Жириновский ва давлат Думасининг бир нечта депутатларини кўриш мумкин. Шунингдек, Европа Иттифоқи Россиянинг "Роснефть", "Транснефть" ва "Газпром нефть" компанияларига қарз эвазига молиялаштиришни тақиқлади.

Россияга нисбатан қўшимча санкциялар жорий қилиш тўғрисидаги қарорни Европа Иттифоқига аъзо 28та мамлакат элчилари қабул қилган.

● ТАИЛАНД янги бош вазири Прают Чан Оча томонидан шакллантирилган Вазирлар Маҳкамаси пайшанбадан расман фаолият кўрсата бошлади. Бош вазир Муваққат парламент бўлиши — Миллий Қонун чиқариш Ассамблеяси депутатлари олдида чиқиш қилар экан, "Бизнинг олдимизда ҳал қилинишни кутиб турган кўплаб муаммолар бор", — деди. Унинг фикрича, жамиятдаги бўлинишларга барҳам бериш мақсадида кенг қамровли сиёсий ислохотлар ўтказилиши давр талабидир.

● ГОЛЛИВУДнинг машҳур актёри Леонардо Ди Каприо БМТнинг глобал иқлим муаммолари бўйича элчиси этиб тайинланди. Бу ҳақда БМТ бош котиби Пан Ги Мун эълон қилди.

Актёр БМТ бош ассамблеясининг 69 сессияси доирасида, 23 сентябр кuni Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган иқлим бўйича саммитда иштирок этади.

Apple — энг қиммат бренд


Millward Brown, Brand Finance ҳамда Interbrand аналитик компаниялари бир овоздан Appleни жаҳондаги энг қиммат бренд дея эътироф этишди. Брендлар қиймати компаниялар умумий қийматининг 30 фоизгачани ташкил этиши мумкинлиги Millward Brown компанияси томонидан қайд этилган.

№	Бренд	Нархи \$ млрд.)
1	Apple	117
2	Google	107
3	IBM	76
4	Microsoft	71
5	Coca-Cola	64
6	GE	52
7	McDonalds	51
8	Samsung	48
9	Amazon	44
10	Toyota	33



ИНСОННИНГ "ОФИРЛИГИ" НЕЧА ГИГАБАЙТ?

Чиндан ҳам, киши "ичида" қанча ахборот сақланади. Олимлар бунни аниқлашга улгуришибди, унга кўра, инсоннинг жами генетик ахбороти 1,5 гигабайт чиқаркан, бу битта ҳужайрада жойлашгани. Ҳисоблаб олаверинг, инсон организми тахминан 40 триллионга ҳужайрадан ташкил топган...



Шундай қилиб битта одамда тахминан 60 секстибайт (1 секстибайт = 1024 экзбайт = 1 180 591 620 717 411 303 424 байт) ахборот мавжуд. Veritasium таълим тармоғи маълум қилишича, 2020 йилга бориб, бутун дунёда сақланаётган ахборот ҳажми 40 секстибайтга етади. Бироқ...

Гап шундаки, биздаги 99,9 фоиз генетик маълумот сайёрамиздаги бошқа одамларники билан бир хил. Ўзимизга тегишли, ягона маълумотимиз эса бир мегабайтга ҳам етмайди.

Хуллас шундай: 60 секстибайт — бутун организм, 1,5 гигабайт — ген, 1 мегабайт — бизнинг такрорланмас, ўзига хос маълумотимиз.

БУКРИДЕРЛАР ТАРИХГА АЙЛАНЯПТИ

Sony компанияси букридерлар (электрон китоб қурилмалари) ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтади. Бунга планшет ва смартфонлар билан жиддий рақобат ҳамда иқтисодий нуқтани назардан уларнинг норентабеллиги сабаб бўлган.

Немис тилидаги Lesen.net веб-сайтнинг хабар беришича, Sony Reader PRS-T3 компаниянинг сўнгги электрон китоби бўлиб, ҳадемай у ҳам коллекцион қурилмалар қаторидан жой олади.



ЁРУҒЛИК ТЕЗЛИГИНИ ҚУВИБ...

Strike Technologies (Нью-Йорк) компанияси ўта юқори тезликдаги микроўққинли радиоузатгичлар тармоғини қуришга киришди. У жаҳоннинг йирик молия марказларини алоқа билан таъминлайди.

Ҳозирда 1,8 метрлик ликолсимон қурилма Нью-Жерсидаги Nasdaq Stock Market тепасидаги 80 метрлик минорага ўрнатилган бўлиб, худди шундай бошқа микроўққинли минораларни боғлаш орқали 1175 километр олисликдаги Чикаго товар биржасига 4,13 миллисекундда молиявий маълумот узатишга эришиляпти — бу назарий жиҳатдан ёруғлик тезлигининг 95 фоизига тенг кўрсаткич. Солиштириш учун: оптик толалари кабелларнинг маълумот узатиш тезлиги ёруғлик тезлигининг тахминан 65 фоизини ташкил этади.

Микроўққинли сигналлардан Иккинчи жаҳон уруши пайтида ҳам ҳарбий радарларда фойдаланилган. Шунга қарамасдан, тинчлик шароитида улар ўз ўрнини топиши учун яна бир неча ўнлаб йиллар ўтди. Масалан, автомобиллар тўқнашувидан огоҳ қилувчи тизимлар, мобил тармоқлар шунга ўхшаш радиосигналларга асосланган.

ХАКЕРЛАРГА ҚАРШИ УЮШМА

McAfee ҳамда Symantec антивирус компаниялари хакерларга қарши тузилган альянсга қўшилишди.

Cyber Threat Alliance деб ном олган бу уюшмага жорий йил май ойида Fortinet ва Palo Alto Networks томонидан асос солинган.

Ташкилотчилар антихакерлик курашида "нулинчи кун", ботнетлар, жамоавий серверлар, мобил зарарли кодлар, таҳдид даражаси ва тарқаш хавфи каби маълумотларни ўзаро алмашишни мақсад қилишган.



С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуниги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, III боб, 15-модда.



CLICKдан янги ечим:

энди DUET/VISA карталари учун ҳам!

CLICK компанияси DUET (offline) ва VISA (сўмлик) пластик карталарини ҳам тизимга қлади.

Энди Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан чиқарилган барча турдаги пластик карталарнинг эгаларига CLICK тизимидан фойдаланишга имкон бор. Ҳозирги пайтда республикамизда 12,4 миллиондан ортиқ пластик карталар айланмага чиқарилган бўлиб, шулардан 7 млн дан ортиғи DUET карталаридир, VISA пластик карталарнинг сони эса 700 мингдан ортиқ.



— Бугун биз DUET offline карталарини тизимга улаш имкониятини ишга туширдик ва шу билан бир вақтда, янги платформага банкларни улаш ишларини жадал олиб бораёмиз. VISA пластик карталари бўйича ҳам шундай имкониятни жорий қилиш ишлари амалга ошириляпти. Жорий қилинаётган янги платформа DUET ва VISA карталари эгалари тизимга уланишга ва унинг кенг қўлданлиги имкониятларидан тўла фойдаланишга қаратилган, — деб таъкидлади CLICK компанияси директори Улўбек Рустамов.

Ушбу турдаги карталарнинг Ўзбекистон бозорига кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, янги платформа миллионлаб пластик карта эгаларига CLICK тизимига уланиб, электрон тижорат бозорининг фаол иштирокчиларига айланишга ва ўзларига керак бўлган қунадлик тўловларини истаган пайтларида, уйдан чиқмасдан туриб оширишга йўл очиб бермоқда.

Охириги бир йил давомида компания ўз фойдаланувчилари сонини 100 мартага оширди: ўтган йилнинг сентябры ойи бошида улар сони 4000 атрофида бўлган бўлса, ҳозирги пайтга келиб фойдаланувчилар сони 400 000га яқинлашиб қолди. Шундай жадал суръатдаги ўсишнинг асосий сабаби — ўтган йили Ягона умумреспублика процессинг маркази билан ҳамкорликда амалга оширилган ва барча UZCARD онлайн-карта эгаларига уларидан чиқмасдан ва ишларидан чалғимасдан туриб харидлар қилиш ва бошқа турли тўловларни амалга ошириш имкониятини берадиган UZCARD-CLICK хизматининг ишга туширилиши бўлди.

Ҳаётимизда неки янгилик юз бераётган бўлса, буларнинг бари аввало ахборот ва алоқа, телекоммуникация билан боғлиқ. Яқин йилларда ҳам барчамиз учун ҳайратланарли мўъжиза саналган алоқа соҳасидаги янгилик бугун инсоният бахти ва фаровонлиги, қўлайлиги учун хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда ахборот коммуникацияларининг қай тарзда тараққий этаётганини юртдошларимиз кўриб турибди.

Жиззах

“Ўзбектелеком Интернешнл” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси томонидан республикамиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тараққийтишимизга ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бу фикримизни мазкур корхонанинг “ЎИ-Жиззах” филиали мисолида айтиладиган бўлса, Жиззах вилоятидаги ўзгаришлар ҳам кўз олдинда намойиш бўлса ажаб эмас.

Ушбу филиал 2002 йилда ташкил топган бўлиб, Жиззах шаҳри аҳолиси ва ташкилотларига телефон, телеграф, интернет хизматини кўрсатади. Корхонага қарашли линия аппарат зали (ЛАЗ) бўлими ва 17та рақамли автоматлаштирилган телефон станцияси бор. Рақамли автоматлаштирилган телефон станциялар ўзaro 43км дан ортиқ оптик толали кабел орқали боғланган. Мазкур телефон станцияларнинг монтаж сифими 23470 рақамли бўлиб, жорий йилда ишлаб турган абонентлар сони 20992та телефон рақамни ташкил этади.

— Филиалимизда жами 117 киши ишлайди, — дейди “ЎИ-Жиззах” филиали директори Мурод Бобомуродов. — Охириги уч йилда корхона фаолиятида анча олдинга силжилар юз берди. Олайлик, ўтган йили Хитойда ишлаб чиқарилган MSAG (ZTE) станциялари ўрнатилиб, ишга туширилди. Жумладан, Жиззах шаҳрининг “Маданият” маҳалласида 1120 рақамли, “Ёшлик” митти туманида 608 рақамли, “Қалия” маҳалласида 608 рақамли, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси 4-АТС биносидан 800 рақамли, Алишер Навоий кўчаси “Алоқа-банк” худудидан 704 рақамли, Зиёкор кўрғонидан 800 рақамли, Муस्ताқиллик кўчаси Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими худудидан 512 рақамли станциялар реконструкция ишлари муносабати билан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижанда шаҳар аҳолиси, ташкилот ва корхоналарга кенг поласали алоқа (интернет, IPTV) хизматларини кўрсатиш

учун 2032 портга мўлжалланган MSAN портлари ишга туширилиб, портлар сони кўпайтирилди.

Ҳа, бугунги кунда Жиззахда 2600дан зиёд интернет портлари ишлаб турибди. Илм масканлари, хусусан, 31та мактаб, 10та касб-хунар коллежи, 3та академик лицей ва ахборот-кутубхоналар Ziyonet тар-

Бугунги кунда Жиззахда 2600дан зиёд интернет портлари ишлаб турибди.

моғига уланди. Бундан ташқари, янги ишга тушган АТСлар оралиғида қўшимча 22300 метрдан зиёд оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди.

Ҳозирда Жиззах шаҳрининг метморий қиёфаси тубдан янгиланяпти. Яқин бир-икки йил ичида шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгаради, янада чирой очади. Бундай ўзгаришларда филиал жамоасининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бўлади, албатта. Бунинг учун Жиззах шаҳрининг Муस्ताқиллик, Алишер Навоий кўчаларида телекоммуникация инфра-



тузилмаларини реконструкция қилиш, ер ости алоқа канализацияларини кўчириш бўйича филиалнинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

“ЎИ-Жиззах” филиалининг ишлаб чиқариш қуввати ўзига яраша. Филиалда NEC компаниясининг “NEAX-61E” русумидаги рақамли станцияси, ZTE компаниясининг ZXА-10 русумли олтига ҳамда “ZXMSG-5200” русумли саккизта рақамли станцияси ишлатилмоқда.

Кейинги уч йилда филиалда амалга оширилган ишлар янада салмоқли. АТСларда 15та қўшимча хизмат таъбиқ этилмоқдаки, улардан фойдаланувчилар сони 7711 нафар, олинган даромад 94979,0 минг сўмни ташкил этди. Ўзгаришлар, 147та ташкилот ва 2194та аҳоли хонадонларида интернет хизматидан фойдаланмоқда. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 1,2 миллион сўм миқдоридан кам таъминланган оилаларга 1,35 миллион сўм миқдоридан маблағ сарфланган. “Соғлом бола йили Давлат дастури”да белгиланган вазифалар бўйича алоқа ходимларининг 75 нафар фарзандига Зомин тумани Еттикечув қишлоғидаги “Алоқачи” болалар оромгоҳида дам олишлари учун йўлланмалар олиб берилди.

Хуллас, “ЎИ-Жиззах” филиалида бажарилган ишлар ҳақида кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Асосийси, филиал фаолияти бугунги кун, замон билан ҳамнафас. Бунинг тўғри англаган корхонанинг фидойи, азму шижоати билан ҳодимлари мижозларни доимо мамнун этишмоқда. Станция иншоотлари цехи бошлиғи Мурод Курбонов, етакчи муҳандис Мавжуда Урдушева, кадрлар билан ишлаш ва захира кадрлар тайёрлаш бўлими менежери Мавлуда Назарова, техник директор Фулом Курбонов, етакчи муҳандис Шерзод Абдурашидов, электромонтёр Баҳодир Примқулов, кабелчи-пайвандловчи Мамаражаб Абилов каби ходимлар филиал ишида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Норкул МАЪМУР,
“Xabar”нинг Жиззах вилоятидаги мухбири

ОЧЕРЕДНОЕ ЗАСЕДАНИЕ

РЕСПУБЛИКАНСКОГО СОВЕТА ПО РАДИОЧАСТОТАМ

Состоялось очередное заседание Республиканского совета по радиочастотам. На заседании подведены и обсуждены итоги работы Республиканского совета по радиочастотам (Совет) в первом полугодии текущего года, осуществляемой в соответствии с утвержденным планом работы Совета на 2014 год, задачами и функциями его деятельности, правительственными постановлениями и решениями.

В отчетном периоде в установленном порядке проводилась работа по международно-правовой защите радиочастотных присвоений республики, координации использования радиочастотных присвоений с приграничными государствами, по обеспечению беспомеховой работы радиоэлектронных средств и высокочастотных устройств, определению возможности использования радиооборудования на территории республики, по подготовке ко Всемирной конференции радиосвязи 2015 года, пересмотру и разработке нормативных документов в области использования радиочастотного спектра.

Отдельными вопросами заседания Совета была представлена информация радиочастотных органов о проведенной в первом полугодии работе, по внедрению стандарта цифрового вещания DVB-T2 и подготовке к Ассамблее радиосвязи 2015 года и Всемирной конференции радиосвязи 2015 года.

В соответствии с "Государственной программой по техническому и технологическому переходу на цифровое телевидение в Республике Узбекистан", утвержденной постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-1741 от 17 апреля 2012 года, в отчетном периоде продолжена работа по внедрению в республике цифрового наземного телевидения. На заседании рассмотрены вносимые изменения и дополнения в действующий "Частотно-территориальный план перехода на цифровое наземное телевизионное вещание в Республике Узбекистан на 2010-2015 гг.", а также утверждены частотно-территориальные планы перехода на цифровое наземное телевизионное вещание в Республике Узбекистан для 2-го и 3-го мультиплексов.

По рассмотренным на заседании вопросам Советом приняты соответствующие решения.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Акционерное общество "Узбекистон почтаси"

По согласованию с Министерством финансов Республики Узбекистан с 10 октября 2014 года вводятся новые тарифы на универсальные услуги почтовой связи.

На пересылку в пределах Республики Узбекистан почтовых отправлений до 20 граммов установлены тарифы в следующих размерах:

- Простая письменная корреспонденция — 250 сумов
- Заказная письменная корреспонденция — 500 сумов
- Простая бандероль — 250 сумов
- Простой мелкий пакет — 290 сумов.

Полный перечень тарифов и услуг почтовой связи имеется во всех предприятиях и отделениях почтовой связи.

Пользуйтесь услугами почтовой связи!



ВНИМАНИЕ: РУКОВОДИТЕЛЯМ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан оповещает о проведении конкурса на выполнение научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации в 2015 году по следующим научным направлениям:

1	Разработка учебников и учебных пособий по современным телекоммуникационным технологиям, связи и информатизации.
2	Системно-сетевые аспекты развития сетей телекоммуникаций Узбекистана с учетом их практической направленности.
3	Управление радиочастотным спектром, оптимизация использования радиочастотного ресурса. Обеспечение электромагнитной совместимости и безопасности работы радиоэлектронных средств.
4	Методы и средства обеспечения информационной безопасности.
5	Новые источники энергоресурсов и оптимизация энергосбережения.
6	Развитие почтовой связи на основе внедрения новых технологий, услуг.
7	Внедрение электронных технологий в государственное управление, образование, экономику и социальную сферу
8	Инновационные и экономические аспекты развития сферы связи и информационных технологий.
9	Исследование и разработка информационных ресурсов и программного обеспечения.
10	Исследование и разработка систем и технологий радиосвязи, радиовещания и телевидения.

Приём научно-технических проектов на конкурс до 20 октября 2014 года. Проекты научно-исследовательских работ принимаются ученым секретарем научно-технического совета Госком СИТТ.

Требования к научно-исследовательским работам представлены в Положении о порядке проведения на конкурсной основе научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации.

Дополнительная информация размещена на официальном сайте Госком СИТТ (страничка "НТС Госком СИТТ") и НТО РЭС (страничка "Новости").

Форма для подачи предложений

Наименование проекта	
Краткое содержание научных исследований. Изложить суть идеи и принципы построения, цели и задачи. Этапы выполнения.	
Актуальность. Обоснование научных исследований.	
Научная и практическая ценность, обосновать возможности реализации.	
Научный задел. Теоретические и экспериментальные результаты.	
Наличие патентов, статей, объявленных в журналах по данной теме НИР.	
Участие на республиканской Ярмарке инновационных идей и проектов.	
Ожидаемые результаты (апробация, внедрение в отрасли).	
Решения НТС организации, учёного совета о рекомендации НИР.	
Объем финансовых средств.	
Руководитель (Ф.И.О.), научная степень, звание.	
Количество основных исполнителей.	
Сроки исполнения.	
Контактная информация.	

Телефон для справок: 238-41-76 (ученый секретарь НТО РЭС).

Халқаро конференция

иштирокчилари ТАТУ Самарқанд филиалида

◀ 1-бет

Тўртинчи Халқаро илмий конференцияни Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали директори А.Холжигитов кириш сўзи билан очди. У барча хорижлик ва юртимизнинг бошқа вилоятларидан ташриф буюрган меҳмонларни бу анжумандаги иштироки билан табриклаб, форумнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилаётганидан ҳақли равишда фахрланишини, бугунги кунда Республикамиз Президенти ёшлар тарбиясига, уларнинг илм олишларига катта эътибор қаратаётганлигини таъкидлади.

Ал-Хоразмий илмий кашфиётлари, фундаментал тадқиқотлари билан умуминсоний тараққиётнинг беқиёс янгилликлар даврини бошлаб берди. Астрономия, география ва тарих фанларидан ҳам умрбоқий асарлар ёзган. У фанда биринчи бўлиб кутб координатларини қўллаган ва Ер юзининг шарқий яримшари харитасини тузган.

Академик Азимбой Сағдуллаев Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг таржimai ҳолидан сўз бошлаб, Хоразм заминидан ижод қилган буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг хизматлари уларнинг илмий ишлари ва асарлари доираси билан чегараланиб қолмай, балки инсониятнинг интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган мактаб — Хоразм Маъмур академиясини шакллантиришдек муҳим масалани ҳам қамраб олганлиги, унинг бугунги кунда ҳам катта эътиборга лойиқлиги тўғрисида гапирди.

Халқаро илмий конференциянинг аҳамияти бугунги кун ёшлари учун тарихий меросимизни, замондош алломалар ва мутафаккирларимизнинг тарихи ва буюк асарларини янада яқинроқ ўрганишга даъват этишдан иборат бўлди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

◀ 1-бет

Мобил қарамлик белгилари

Телефономаниянинг бир қанча белгилари бор. Қуйида саналадиган ҳолатлар сизда қанчалик кўп бўлса, билинги, вазият шунчалик жиддий.

● Мобил суҳбат — жонли суҳбатдан осонроқ. Телефономанлар танишлари ёки ҳамкасблари билан жонли мулоқотда бир гапни қовуштира олмай қийналадилар. Лекин телефонда аллақимлар билан соатлаб гаплашишлари мумкин. Яқинларини эса бўлар-бўлмас кўнғироқлар билан безовта қилверадилар.

● Исталган бўш вақтни SMS, ватсап, телеграмм ёки твит ёзишга сарфлашга интилиш. Бу ҳам жонли мулоқот ўрнини виртуали эгаллаётганидан дарак.

Охириги вақтларда АҚШ шифокорлари бош бармоқнинг ноодатий чиқиши ҳолатларига дуч келмоқда. Бу хасталикдан асосан SMS ишқибозлари ва мобил интернетда "ўтирадиган"лар азият чекаркан.

● Доим кимдандир кўнғироқ кутиш. Мобил қарамликка чалинган киши доим хавотирда юради. Кўнғироқ чалинмаса ёки SMS келвермаса асабийлаша бошлайди ва "балки эшитмай қолгандирман" деган хавотирда телефони экранини текшириверади.

● Телефони йўқлигида ўзини ёмон ҳис қилиш. Агар телефономан телефонини унутиб қолдирса ёки йўқотса, ўзини кўярга жой топа олмай қолади. Тушқунликка, ҳаёт завқини йўқотгандек ҳолатга тушади. Ҳатто агрессивлик ҳам кузатилади.

● Телефонига барча янги иловаларни кўчиришга интилиш. Бундай кишилар янги дастур, мусиқа, расм қидиришга соатлаб вақтини сарфлашади.

● Телефон аппаратларини тез-тез алмаштириш. Мобил қарамликда телефон аппарати қўлқопдек алмаштирилади. Улар учун асосийси — мобил "дўсти"нинг доим янги моделда бўлиши. Қизиги, уша телефон имкониятларининг ярмидан ҳам фойдаланмай туриб, уни "эскирган" деб ҳисоблайди ва янги функцияларини қидиришга ту-

шади. Навбатдаги аппарат қимматроқ ва мураккаброқ бўлса бас. Бундай психологик ҳолат "гаджет-аддикция" дейилади.

● Телефонини мақташ. Мобил телефони кўлидан қўймайдилар ва уни танишлари, дўстларига мақташдан, кўз-кўз қилишдан ийманмайдилар.

тармоқларда ёзишни камайтиришга интилинг. Нормал ҳолатда кунига ўнча хабар ёсангиз етади.

3. Мобил аппаратни уйда бирор ерга қўйинг. Доим ёнингизда, қўлингизда олиб юришингиз шарт эмас. Сизга кўнғироқ қилишсаю эшитмай қолсангиз — фожеа ясаманг, ўзингиз қайта кўнғироқ қили-

ТЕЛЕФОНОМАНИЯ



FOTO-XABAR

Хитойнинг Чунцин шаҳрида телефономанлар учун махсус йўлаклар қилинмоқда. Кўзини смартфон экранидан уза олмайдиганларни ушбу йўлакчадаги чизиклар, белгилар қоқилиб йиқилишдан, бирор ерга урилишдан сақлайди.

● Мобил телефони бегона қўлга беришни умуман истамаслик.

● Бир нечта SIM-карта ва телефон тутиш. Телефономанга битта тармоқ камдек туюлади ва бошқа операторларнинг SIM-карталарига ҳам уланади. Баъзида улардан умуман фойдаланмаслиги мумкин. Асосийси — ҳар бир SIM-карта алоҳида телефонда ва у доим ёнида.

Агар юқоридаги белгилар сизда ёки яқинларингизда кузатилса, мақоланинг кейинги қисмини ҳам диққат билан ўқиб чиқишингиз лозим бўлади.

Профилактика

Британиялик олимлар мобил телефонга боғлиқликни уч даражага ажратишади:

1. "Қарам бўлмаганлар" — телефон билан ёки унингсиз ҳам хотиржам яшайдиганлар, улар учун мобил телефон — алоқа воситаси ва ундан ортиғи эмас.

2. "Нисбатан қарамлар" — телефони йўқлигида ташвишга туша бошлайдиганлар.

3. "Киборглр" — ҳаётини телефонсиз тасаввур қила олмайдиганлар.

"Киборг"га айланмаслик учун телефонга сарфланадиган вақтни назорат қилишни ўрганиш лозим. Бунга қандай эришиш мумкин? Айрим маслаҳатлар:

1. Бир сўзлашувни 10 дақиқадан оширмайсиз ҳаракат қилинг. Бу вақт маълум масалани ҳал қилиш учун бемалол етади.

2. SMS, ватсап ва ижтимоий

шингиз мумкин.

4. Бир зумга кўчага чиққанингизда телефони уйда қолдиришга куч топинг. Бу сизни ортиқча кўнғироқ ёки ижтимоий тармоқлардан бироз узоқлаштиради.

5. Оддийроқ телефон тутиб кўринг. Уйинларсиз, рангли экран, MP3, интернет ва камерасиз (селфиларсиз) бир ҳафта яшаб кўринг. Балки ахборот вакуумидан чиқиб кетгандек ўзингизни ёмон ҳис қиларсиз. Бироқ, таълим бўлманг. Бундай ҳолатларда китоб ўқинг. Телефон уйинлари, интернет ва бўлар-бўлмас ёзишмаларга сарфлайдиган вақт ўрнида ҳам китоб ўқиб турунг.

6. Телефони кераксиз вақтда ўчириб қўйинг. Бу қийин, аммо самарали усул. Шунда қанча бўш вақтингиз юзага келишини ҳис қиласиз. Бу вақтни бошқа фойдали юмушларга сарфланг. Агар бардош берсангиз, телефономания чангалга тушиб қолмайсиз.

Истаймизми-йўқми, мобил телефон кўнғилочар восита эмас, биринчи навбатда, алоқа воситаси ҳисобланади. Ундан фойдаланишининг ўзига яраша қоидалари бор. Шу қоидаларга амал қилиш ва шу орқали бугун технологиялар қўршовида қолган болаларни интернетпарастлик, телефономания ва шунга ўхшаш психологик хасталиклардан асраш лозим.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ФАКТ

Британиялик мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, ёшларнинг 60 фоизда мобил телефон ва смартфонларга қарамлик кузатилган ва бу кўрсаткич охири бормоқда. Бу тоифа ёшлар жуда кўп вақтларини телефон билан ўтказадилар: қизлар кунига ўртача 10 соат, йигитлар - 8 соат. Смартфонларнинг имкониятлари охири боргани сари унинг эгалари янада қаттиқроқ боғланиб қолмоқда.

**Ислом
КАРИМОВ:**

— Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман. Ёшлар ҳақида қанча гапирсам, чарчамайман. Бу ҳақда гапирганда, очигини айтсам, ўзимни ҳам худди яшариб кетгандек ҳис қиламан. Бугун биз бошлаган улуг ишларнинг давомчилари бўлмиш мана шундай йигитлар, қизларимизни, уларнинг бахту камолини кўриб, шундай гўзал юртда, шундай ёруғ, мусаффо осмон остида яшаш насиб этганига барчамиз шукроналар айтамыз.

ОЛТИН ДАВР ОҶАНГЛАРИ

ТАТУНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ВА ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАРИ

Талабалик — олтин даврим. Бу даврни ҳар бир собиқ талаба ўзгача энтиқиш, ажиб ҳаяжон билан эслайди, эслагани сари қўмсайверади. Қўмсагани сари унинг шўх-шодон, беғубор, ўт-олов кўчаларида яна бир бор кезгиси келади. Ширин хабллар шижоат, изланиш, ўқиб-ўрганиш, самимий баҳс-мунозара, муҳаббат ва ҳижрон аталмиш покиза туйғулар томон қорлайверади... Тошкент ахборот технологиялари университетининг бугунги кундаги нуфузи нафақат республикамизда, балки узоқ-яқин хориж давлатларида ҳам яхши маълум. Замонавий ахборот технологиялари асосланган таълим тизимидан баҳраманд бўлаётган минглаб ёшларнинг билими, ақлу заковати, иқтидори университет рейтингини янада оширмоқда. Улар юқори технологиялар билимдонлари бўлиш билан бирга, қадамдан ўт қақнайдиган фаол жамоатчи, моҳир ихтирочи, машҳур ҚВЗчилар, хонандалар, адабиёт икломсмандино ижод иштиёқда ёнган шоирлардир. Шу босқ ТАТУда домм ҳайт қайнайди, ТАЛАБАЛИКнинг олтин оҳанглари жаранглаб туради!



Иқтидорлилар доимо эътиборда



ТАТУда Маънавият-маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими анча йиллардан бери муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Бўлим ўз олдида талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларнинг бошини қовуштириб, уларни ўз мақсадлари сари илҳомлаштиришни мақсад қилиб олган. — Университетимизда иқтидорли, изланувчи ёшлар жуда кўп дейди, — мазкур бўлим бошлиғи Эъзозахон Каримова. — Биз уларнинг, қайси соҳа, қайси йўналишда бўлмасин, қизиқишларини ўз вақтида илғаб олишга ҳаракат қиламиз. Чунки ёшларга аввало руҳий қўллаб-қувватлов керак. Уларнинг қизиқиш йўналишларига қараб турли тадбирлар, учрашувлар, кўрик-танловлар уюштирамиз, мутахассисларга, малакали устозларга бириктириб қўямиз. Республикамизда ҳамда хорижда ўтказилаётган семинарларга, кўрик-танловларга тайёрлаймиз. Албатта, бўлимнинг фидойи устозлари олиб бораётган бу хайрли ишлар ўз самарасини бериб келмоқда. Талабалар орасидан Президент ва давлат стипендиантлари, турли танловлар ғолиблари кўплаб етишиб чиқмоқда. Хорижий университетларда таълим олаётган талабалар сони ҳам ортиб борапти.

Ахборот хавфсизлиги

Бухоро вилоятининг Қорақўла туманидаги Зийли оила — ўқитувчи Мухаммадҷон ака ҳамда ҳамшира Гулсанам ола хонадонида дунёга келган Мираҳмад илм-фанга, ўқиб-ўрганишга ўзгача иштиёқ билан воғга етди. Айниқса, уни аниқ фанлар жуда қизиқтирарди. Табиийки, бу қизиқиш уни ТАТУга етказди.

Мираҳмад бакалаврликнинг тўрт йили давомида ўз устида тинмай ишлади, фидойи устозлар кўмағида замонавий технологиялар бўйича билимини ошириб борди ва Huawei компанияси стипендиясига сазовор бўлди. Турли тадбирлар ва кўрик-танловлар ҳам унга назарий билимларини амалда қўллаб кўришда муҳим омил бўлди. Жумладан, 2012 йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган ижтимоий тармоқларга бағишланган халқаро конференцияда муваффақиятли иштирок этди. Dilkusho.uz сайтини яратишда ва бир қатор университетлардаги лойиҳаларда қатнашди. Ўтган йили эса Жанубий Кореянинг Korean National Transportation University билан бўлиб ўтган тренингда М.Равилов жамоасининг ёш болалар учун корейс тилини ўргатишга мўлжалланган Korean Uzbek дастурий воситаси мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Шу тарзда унинг болаликдаги орзуси том маънода ушалди — мустақил равишда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишни удалай бошлади. Илм-фан билан шугулланган одам ундан шунчаки воз кечиб кетолмайди. Мираҳмаднинг ҳам изланишга, илм-фанга бўлган қизиқиши кучли келди, у бакалаврликда олган кўникмаларини магистратурада янада мустаҳкамлашни аҳд қилди. Ҳозирда у магистратуранинг биринчи босқичида таҳсил олиш билан бирга, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказида биринчи тоифали мутахассис бўлиб ишламоқда.

— Президентимиз қарори билан Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказининг очилгани мен учун айни муддао бўлди, — дейди ёш олим. — Негаки, бугунги глобаллашув шароитида ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ошириш, электрон хавфсизликни таъминлаш жуда долзарб масала ва мен шу ишларга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман.



ҲАР БИР ИХТИРО ИНСОН МАНФААТИ УЧУН

Бу шпор ТАТУ ассистенти Жонибек Тожиёвнинг дастуриламалига айланиб қолган. У доимо иқтидорли талабалар билан бирга, университетда олган билимларини ёш ихтирочи-изланувчиларга ўргатишдан, уларнинг илмий-тадқиқот ишларига кўмаклашишдан эринмайди. Ўзи ҳам кўплаб ихтиролар муаллифи. Яқинда яратган жажжигина роботи мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Бу робот қўл меҳнатини енгиллаштиришга мўлжалланган. Яъни, у, масалан, чанглоттичга ўрнатилса, уй бекалари бемалол бошқа юмуш билан машғул бўлишлари мумкин. Робот чанглоттич турли тўсиқлардан айланиб ўтиб, деворларга урилмасдан мустақил ҳаракатлантира олади. Шунингдек, бу мосламадан ногиронлар арачасида ҳам фойдаланса бўлади, имконияти чекланган инсонлар ҳаракатланиши учун жуда катта қулайлик яратиб беради.

Қишлоқда туғилган ҒОЯ

Дунё оғамлари, ихтирочилари томонидан яратилган ҳар бир кашф, аниқ нимадир сабаб, нимадир тўртки бўлгани яхши маълум. Гарчи бу аниқ далилланмаган бўлса-да, Иптонинг Ер тортишиш қўчили малайи асослаб беришига унинг бошига олма тушгани сабаб бўлган экан...

Иккинчи босқични томонлаган Аббор Эсоналиев доимидек ёзги таътилни ота-онаси бағрида — Наманган вилоятининг Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғида ўтказди. Унинг жуда яхши одати бор: ҳар йили таътилга борганида қишлоқдаги ўзи таълим олган 16-мактабга бориб, устозларини йўқлашни қанда қилмайди. Бу йилги ёзда ҳам шундай қилди. Аввало, устози — рус тили ўқитувчиси Фотима опа билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди. Суҳбат давомида Абборга мактабдаги дарс тақсимотини устози олиб бориши, бу вазифа анчагина ёзув-чизувдан, ҳисоб-китобдан иборат бўлиб, кўп вақт талаб қилиши маълум бўлди. Ахир, мактабдаги ҳар бир ўқитувчиға фанига кўра дарс ажратиш осон иш эмас-да. Шунда унда бир ғоя туғилди: шу дарс тақсимотининг компьютер дастурини яратса-чи? Мактабдаги ишлар анча енгиллашган бўларди! Ўқув йили бошланиши билан Аббор ғоясини амалга оширишга киришди. Дастлаб ўзи таълим олаётган кафедра мисолида синаб кўрди. Ҳаракатлар ўз самарасини берди — электрон дарс дастури яратилди. Ўз ишининг самарасидан илҳомланган ёш дастурчимиз электрон тест, электрон луғат каби дастурларини ҳам муваффақиятли тамомлади. — Ҳар бир қадам — биз учун ўрганиш, — дейди Аббор. — Бу соҳага қанчалик чуқур кириб борганимиз сари, унинг ўзимизга маълум бўлмаган қирраларини кашф этиб бораёмиз, янги-янги ғоялар пайдо бўляпти.



Сехрли сўз соҳиб

Йўлчи Рузиев Қашқадарёнинг Китоб туманидан. Болалигидан китоб ўқишга ўзгача меҳр қўйганлиги сабаб келажакни ҳам қалбларга маърифат улаштирдек эзгу мақсад билан боғлаган бу йигит ТАТУнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими факултетининг ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши бўйича ўқишга киришга муваффақ бўлди. У ҳозир тўртинчи босқичда таълим олмоқда. Ўтган йиллар давомида Й.Рузиев нафақат касб сирларини мукамал эгаллади, балки жамоат ишларидан ҳам ўзини четга тортмади, шу билан бирга, ижодда бўлган иштиёқини бир зум сусайтирмади. Албатта, булар ўз самарасини берди — ёш ижодкорнинг маънавий-маърифий мавзудаги бир қанча мақолалари "Нафосат олами" ва "Маърифат" газеталарида ёритилди. Ўтган йили Юнусобод туманидаги таълим муассасаларининг ёш ижодкорлари орасида ўтказилган шеърят кўрик-танловида фаол қатнашиб, "Сехрли сўз соҳиб" номинацияси соҳибига айланди. Шу кунларда ижодкор талабамизнинг дастлабки шеърый тўламини дунё юзини кўриш арафасида.



MIT.UZга ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Ёш дастурчилар ғояларини, имкониятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда турли кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Шундан бири ҳар йилги анъанавий АКТ ҳафталиги доирасида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилаётган миллий интернет танловидир. Мазкур танловда республикамизнинг ёш дастурчилари ўзларининг ижтимоий лойиҳалар, инновацион ғоялар ҳамда компьютер ўйинлари борасидаги янги ишланмалари билан беллашадилар. Шу кунларда MIT.UZга ТАТУ талабаларидан иборат йигирма нафар дастурчи йигит-қиз ҳам катта тайёргарлик кўрмоқда. — Дастур тузувчи — ўзига хос салоҳиятга эга ижодкор, — дейди ёшларнинг сеvimли устози, "Информатика асослари" кафедраси катта ўқитувчиси Шоҳиста Қосимова. — Талабаларимиз орасида бу соҳа йилдан-йилга оммалашиб борапти. Ёшларнинг бу борадаги интилишларини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда барча шарт-шароит етарли. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантиришнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бекзод Бўронов, Муҳаммад Зиннатиллаева, Сардор Мелиев, Алижон Шукуров... иқтидорли талабаларни яна кўплаб санаш мумкин. Уларнинг шижоатини, ақлу заковатини кўриб, дунё тамаддуни, илм-фан ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг муносиб давомчиси сифатида дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш борасида ҳам дунёга ўз сўзимизни айта олишимизга яна бир қарра амин бўлдик.

Ёр соғинчи
Бир дарёман йўқдир тизгиним,
Сиз бағримда танҳо келасиз.
Танимайман сиздан ўзгани,
Сиз ҳам фақат мени севасиз.
Сочинишдан таралган ифдор
Сархуш этар, нафасим қайтиб
Эркалайман, ўптаман беор
Қайта-қайта исмингиз айтиб.
Энтикасиз, ёнасиз, қайноқ
Бўсаларнинг тафти енгади,
Даста гулдек жисмингиз чанқоқ
Вужудимга аста сингади.
Ой нурини сочар этаклаб,
Билган каби тонг ҳам ҳаяллар...
Хузуримга ҳар тонг етаклаб
Келаверар сизни ҳабллар.
Мен уларнинг пинжига кириб
Тулар бедор ётган пайтда, сиз
Беғингизини илҳак куттириб,
Уялингизга алла айтасиз...
Йўлчи РЎЗИЕВ

Саҳифани Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Бир пиёла чой устида

“Ўзбектелеком” АК “Бош коммутация маркази” филиалида 11 сентябр кўни “Бир пиёла чой устида” деб номланган тадбирда янги ишга кирган ёш мутахассислар билан нафақадаги фахрийлар ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Аъёнага айланган бораётган тадбирни филиал касабани уюшмаси қўмитаси раиси Дилшод Усмонов қизиқарли тарзда олиб борди.

Тадбирда филиал тармоқни ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи Хусинбой Полвонов сўзга чиқиб, корхона тарихидан тортиб, босқичма-босқич ривожланиш жараёнлари, бу даврларда техникалар қай даражада янгилангани, цехлар ва бўлимлардаги бугунги замонавий технологиялар ҳамда ҳозирги кунда қўлга киритилган ятуқлар ҳақида тўққизлаб гапириб берди.

Навбатма-навбат ёш мутахассислар — шаҳарлараро телефон стан-

цияси цехидан Руслан Искандаров, узатгич аппаратлар цехидан Нина Подковиркина, алоқадан фойдаланиш цехи бошлиғи Татьяна Пузина, шаҳарлараро телефон станцияси цехи бошлиғи А.Васин, ММ ва ТХ етакчи муҳандиси Д.Миррахимовлар ўзлари фаолият юритаётган цех ва бўлимдаги янгиликлар юзасидан батафсил маълумот беришди.

Шундан сўнг фахрий алоқачиларимиз замонавий технологиялар ҳақида ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассисларимиздан тўлиқ

жавоблар олишди. Ўз навбатида, фахрийларимиз — А.Войсеховский, Л.Бурцева, М.Қодиров, И.Варламова, Т.Горбуновалар “Ким эдигу ким бўлди?” мавзусида ёшларга ўтмишни ҳозирги кун билан қиёслаб гапириб бердилар. Илгари алоқа соҳасидаги бир ишни юзлаб кишилар бажарган бўлса, ҳозирги кунга келиб, битта ишчи бир техникани бир ўзи бемалол бошқара олаётгани, ўтган давр билан ҳозирги давр орасида катта фарқ борлигини мисолларда таққослаб беришди. Улар ёшларимизнинг ҳам ишлаб, ҳам билим олишлари, соҳани пухта эгаллашлари учун ҳамма имкониятларни яратётганлари учун раҳбариятга ташаккур билдириб, ёшларнинг шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўқиб-ўрганларини соҳа ривожини учун татбиқ этишларини чин дилдан тиладилар.

Дарҳақиқат, филиалимизда кундан-кунга ютуқлар кўпайиб бормоқда. Бу каби тадбирлар, яъни ёшларни ҳаётга қатъий эътиқод ва маънавий қарашлар руҳида, миллий қадриятларимизга, катталарга ҳурмат, урф-одатларга садоқат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ мулоқотлар ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Тадбир сўнгидеки фахрийлар раҳбарият ва ташкилотчиларга севимли корхоналарида яна бир бор бўлиш, ишларининг давомчилири билан дилдан суҳбатлашиш, уларга ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш имконини берганликларини учун миннатдорлик билдиришди.

Маҳмуда АРИПОВА,
“ВКМ” филиали маънавий-матририй ишлар методисти

● Реклама ва эълонлар

“Auto Trade Cooperation” МЧЖ томонидан 2014 йил 26 августдан 16 сентябргача очик аукцион савдоларида сотилган мулклар тўғрисида маълумот

“Ўзспиртсаноат” АКга қарашли 2004 йилда и/ч “Ласетти” р-ли д/р 01/702 ССА бўлган, бошланғич баҳоси 18 100 000 сўм — сотилган баҳоси 22 000 000 сўм, 2005 йилда и/ч “Нексия” р-ли д/р 01/205 ZAA бўлган бошланғич баҳоси 13 200 000 сўм — сотилган баҳоси 16 000 000 сўмга сотилганлигини билдираемиз.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (8595) 177-96-74. e-mail: info@auksion.uz

“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖ Наманган вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибидеки ўтказиладиган очик аукцион савдоларида тақдир этилади

2014 йил 20 октябр кўни соат 14.00да Андижон вилояти Андижон шаҳри Бобуршоҳ кўчаси 12-уйда жойлашган “Андижон биокимё заводи” АЖ биносидеки ўтказиладиган очик аукцион савдосига жамият балансидаги 2000 йилда и/ч, “НЕКСИЯ” русумли, д/б 60-808-ВАА бўлган автотранспорт воситаси 5 125 393 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда. Ушбу кунда сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 27 октябр ва 3, 10, 17 ноябр кунлари соат 14.00да ўтказиладиган.

Юқоридаги савдо объекти ва унга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокида беvosита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига автотранспорт воситасининг сотилиш баҳосига нисбатан 5 фоиз миқдорда қўшимча комиссия йўғим тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб, 20 (йигирма) кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузади.

Талабгорлардан аризалар ҳар кўни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00дан 17.00гача қўйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 1 (бир) кун аввал тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТВ “Ипак йўли” Наманган вилоят филиали, МФО:01054, ИНН: 302477464, 20208000605015685007 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:
“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖ Наманган вилоят филиали
Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй.
Телефон: (8 369) 227-19-07, e-mail: nam_ate@mail.ru

Гувоҳнома № 005148.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар ҳамда чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 192-қарорига асосан “MURUVVAT-TEKS” МЧЖ ҳамда “REALTOR-CONSULTING GROUP” МЧЖ мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич олиб бориши тартибидеки ўтказиладиган очик аукцион савдоларида тақдир этилади.

2014 йил 21 октябр соат 11.00да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга “MURUVVAT-TEKS” МЧЖнинг 16.07.2014 йилдаги 307/а-14-буортмасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси, 58-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 10 826,0 кв. метр, қурилиш майдони 7 013,0 кв. метрдан иборат қурилиш тугалланмаган тикувчилик цехи бино ва ишпоотлари мужассам ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич нархи: 20 000 000 000 (йигирма миллиард) сўм.

Фаолият ихтисоси: Тадбиркорлик ва объект негизда истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюржманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кўнари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2014 йил 20 октябр кўни соат 10.00дан 16.00га қадар қабул қилинади. (13.00дан 14.00гача тушлик).

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзолаган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5

фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси “REALTOR-CONSULTING GROUP” МЧЖнинг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, ОАТВ “Қишлоқ қурилиш банк” Тошкент шаҳар минтақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюржманомани икки нусхада тақдим этилади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Бюржманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — “REALTOR-CONSULTING GROUP” МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Лицензия RR 0170, телефон: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.

“RELE VA AVTOMATIKA” акциядорлик жамиятининг 2014 йил 11 сентябрдаги 11/09-сонли хатига асосан жамиятининг ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгартирилганлиги муносабати билан “Xabar” газетасининг 2014 йил 22 августдаги 34 (1144)-сони 15-бетида “REALTOR-CONSULTING GROUP” МЧЖ томонидан берилган аукцион савдоси хабарномасининг “RELE VA AVTOMATIKA” очик акциядорлик жамияти деган жумласига “RELE VA AVTOMATIKA” акциядорлик жамияти деб тузатиш киритилди.

Қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — “REALTOR-CONSULTING GROUP” МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru.

Хизматлар лицензияланган.


Яхши тарбия кўрган киши ота-онаси юзину ерга қаратмайди. Лавҳамиз қаҳрамони фахрланса арзийдиган фарзанд бўлиб камол топди ва ўзи ҳам айна дамда лицей ўқувчиларига инглиз тилидан сабоқ берапти. Ёшлигидан ўқитувчилик касбига меҳр кўйган Гулчехра Ваисова орузлар сари интилиб, 1994 йили Урганч Давлат университетининг кундузги бўлимига ўқишга кирди. Дипломли бўлиб, 1999 йили Урганч шаҳридаги 8-мактаб-интернатда иш фаолиятини бошлади. Ҳозир эса Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейда фаолиятини давом эттиряпти.

Юксак орузлар қанотида парвоз қилган Гулчехранинг истақлари аста-секин рўйбга чиқаверди. Чунки, у меҳнатдан қочмайди, доим изланишда. Таълим жараёнида ҳар бир босқич ўқувчилари учун юзлаб дидактик материаллар ва кўргазмаларни қуроллардан фойдаланади. Дунёда бўлаётган янгиликлар билан талаба ёшларни таништирилади. Ўқувчилар эътиборини жалб қилиш, уларнинг сиссий онгини ўстириш мақсадида бир қатор газеталарнинг ҳар кунги сонлари билан интернет орқали талабаларни таништириб бо-

ИНСОН... ЯХШИ ТАРБИЯ ТОПИБ, ГЎЗАЛ ХУЛҚЛАРГА ОДАТЛАНИБ КАТТА БЎЛСА, ҲАР КИМ ҚОШИДА МАҚБУЛ БАХТИЁР БИР ИНСОН БЎЛИБ ЧИҚАР.

А.АВЛОНИЙ

Самара



ради ҳамда дарс жараёнларида уларни муҳокама қилишлари имкон яратлади.

— Устозимиз сабоқлари менга катта куч, ғайрат беради. Инглиз тилига бўлган қизиқишимни яна кучайтиради. Унинг бизга бераётган маълумотлари олтинга тенг, — дейди лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Хуршид Қурбонбоев.

Кетма-кет педагогик грантлар дастури соҳиби бўлган Гулчехра бутунгун кунда ҳам онлайн, яъни

масофадан туриб таълим бериш дастурини ўрганиб келмоқда. Қилган меҳнатлар самараси ўлароқ, "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Бундан ташқари, Москва шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда "Проблемы обучения иностранных языкам в системе непрерывного образования Республики Узбекистан" номли илмий мақоласи билан ўз касбининг устаси эканли-

гини исботлади. АҚШ ва Буюк Британияда бўлиб ўтган ўқув-семинар, тренингларда ҳам фаол қатнашиб, қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар соҳибаси бўлди.

Эл назарига тушиш осон эмас, албатта. Бунинг учун самарали ишларни амалга оширмоқ лозим. Гулчехра Ваисова Хоразм вилоят "Инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси"нинг бошқарув органи аъзоси. Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги арафасида эса Ватанга сиздиқидан қилган хизматлари тўғриси Президентимиз фармони билан "Шуҳрат" медали соҳибига айланди.

— Камтарона меҳнатларимни юксак мукофот билан тақдирлаган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этаман. Ҳаётимдаги энг қувончли лаҳзаларга айланган онлар бу. Мукофот интилишларимни, изланишларимни янада жилонантирди. Бу ишончини, албатта, оқлайман, — дейди Гулчехра.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
"Xabar"нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

Байрамга айланган оддий кунлар

Иши пухта, гапи бутун — Маҳаммадjonни болалигидан шундай таърифлашарди. Бу фазилатлар унга оилада сингдирилган эди. Ота-онасига дала юмушларида ҳам, уй югур-югурида ҳам дастёр бўлиб ўсди. Кичиклигидан меҳнатда тобланган болани мактабда ҳам олқишларарди: "Барака топ, ҳаммага намуна бўлишдан толма! Шундай кетишда жамиятда тезгина ўз ўрнинини топасан". Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан соҳанинг юқори даражада юксалиши ва равнақи йўлида меҳнат қилаётгани, телекоммуникация ривожига салмоқли ҳиссаси учун "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланди.



...Армия сафидан қайтгач, колхозда бироз муддат электрик бўлиб ишлади. Сўнг Ёзёвон туман алоқа тармоғига кабел пайвандловчи бўлиб ишга кириди, шу бўйи корхонада қолиб кетди. "Темирга қўли келадиган" шахду шиддатли Маҳаммадjon жамоага маъқул келиб қолганди. Аини унинг-ўсаётган йигитга ҳам жамоа ёқди. Шундай аҳил ва иноқ одамлар орасида ишлашга не етсин! Меҳнат қилганга эҳтиром бўлса, шунчалик бўлар. Истиклол йилларида "Фаргона Телеком" обрў-нуфузи ошганидан ошди. Нафақат соғлигингиз, балки оилангиз ҳақида ҳам қайғурдилар. Маънавий, моддий ёрдам зарур бўлса — марҳамат. Рафиқаси Юлдузxon билан уч нафар солиҳ фарзандни камолга етказишларида ишхонаси гамхўрлигининг ҳам аҳамияти катта бўлди. Шунга яраша меҳнат қилишга интилдди. Доимо ҳалол хизматлари билан кўплаб устозлари, жумладан, Муҳаммадjon aka Мўминов каби касбини ардоқлаб келди. "Сен мен билан кимнинг нима иши бор. Қўл учиди ишласам ҳам бўлаверди" деган хаёлга борма, ҳамма ишларинг аввало худдо, қолаверса, раҳбарлар нигоҳида қафтдагидек кўриниб туради" дегувчи эди зукко устозлари. У ишдаги қийин дамларда ҳам яхши ишлаб, ишонч қозонди. Кўпчилик раҳматини олди. Аиникса, жамоа йиғилишларида ўзининг шайнига айтган мақтовлардан боши осмонга етар, оддий кунлари ҳам байрамга айланиб кетарди. Фаргона шаҳрида янги технологияларни жорий этиш бўйича ташкил этилган ҳашарда ҳам у энг фаол қатнашганларнинг олдинги сафида бўлди.

Аини кунларда онажониси Ҳабибахон аянинг қувончи чексиз. "Ўттиз йиллик меҳнатларингни қадрлаганларга қўлуқ, Икки дунё саодатини кўришин", дея дуолар айлайди. Зотан, онажонларнинг мунис қалблари-га хуррамликлар бахш этишдан ҳам олий вазифа бўлмаса керак.

Хабарчилик ҳикмати

Иброҳимjon Саитов... Унинг меҳнат дафтарчасида ҳам биргина ёзув бор: "Риштон ПАТ "Оқ ер" алоқа бўлими хабарчиси. Бу меҳнатдан бошқасини билмайдиган йигит ҳам Москвада кечган икки йиллик армия хизмати даврида Ўзбекистоннинг, Фарғонасининг гардини кўзига тўтмэ қилгудай соғинганди.

У меҳнат зарбдори, почта жонкуяри фазилатларини 35 йилдан кўпроқ вақтдан буён қўлдан бермай келмоқда. Қаҳратон қишда ҳам, жазирама ёзда ҳам йўлда. Нолимай-ди, қўли ҳаммаша кўксиди. Одамларнинг дуоларини олишга ошиққанди. Кўпнинг дуоси — қўл, деганларича ҳам бор. Дуолар шарофати бўлса керакки, пенсия ёшига етай деб қолган эслада ҳамон барваста, ўқтам. Ишга жони борича ёпишди. Нонни ҳалоллаб ейиш даркор. Акси бўлса, уй-рўзгордан ҳам файз кетади-да ахир. Хорманг, ғайратингизга кўз тегмаси, десангиз, қулибгина қўяди. Иброҳимjonларга ўхшаганларни кўрсангиз шoirнинг "Биз ишлаяпмиз, Бу меҳнат, холос" деган сатрлари эсга тушади.

Почтада иш бошлаш осон бўлмаган, албатта. Ўзининг кундалик ишини бажаргани учун кимларандир ташаккурлар эшитгани ҳолда, ҳеч айби-нуқсонни бўлмагани ҳолда ноўрин дакки эшитган чоғлари ҳам бўлган. Ҳар бир алоҳида олган киши билан матлуб муомала-муросани ўргангунча анча-мунча азият чеккан. Эл-юрт фаровонлиги йўлида чеккан заҳматларнинг эса ажри-саवоби бисёр экан. Мана, бунга ўзининг ҳаёти ҳам бир чиройли мисол бўла олади. Унинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг "Ўз касбининг устаси" белгиси соҳиби даражасига етказди.

Инсон умрининг бундай шодлик паллалари кўп бўлавермайди. Лекин бу са-

одатли дамларнинг қуввати, сеҳри узоқ-узоқ йилларга татийди. Мукофотни қабул қилиш лаҳзалари дилдан ўтганларни бир дoston қилиб, бир қисса қилиб эса бўлур. Ана шу шукўҳли онларда кўз ўнгидан худудидидаги 450 нафар фахрий, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Бадир ота Исроилов, Чернобил ҳалокати бартарафчиси Муҳиддинjon Дехқонов каби бошқа қадрдон кишилар ўтди. Рафиқаси Ҳамзабу, фарзандлари, шириндан-шакар набираларининг иссиқ нигоҳлари унга далда бўлди. Ажабо, мукофотни олиш сониялари шунчалар ҳаяжонли бўлар экана-а?! Юраги тўхтаб қолаёзди. Ҳар тугул ўзини базўр қўлга олиб "Раҳмат" дели, йўғ-а, "Раҳмат" дегандай бўлиёв. Жойига бориб ўтиргачгина ўзига келди. "Хайрият. Ҳаммаси ортда қолди".

Камтарин, камсуқум хабарчи шундай завқли дамларда ҳам ўзини кутаётган фахрийларини, газета-журналисиз "нафас ҳам олмайдиган" обуначиларни ўйлади, — кечиктириб юборишмадиммикин, дея ташвишланди. Хабарчиликнинг бор давлати, ҳикмати ҳам аслида шунда. Ҳар ишни зудлик билан ўз вақтида, ўз ўрнида бажаришда. Иброҳимjon Саитовнинг кўп ибратли жиҳатларидан биргинаси, десак асло муболага қилмаган бўламиз.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Хозирги кунда ҳаётимизда интернет аралашмаган бирор виртуал жабҳани топиш қийин. Интернет орқали бизнес юритиш ҳаётимизда муҳим рол ўйнамоқда. Онлайн орқали "пул ишлаш"нинг турли йўллари мавжуд. Бугун биз сизлар билан Web Studio очиш ҳақида гаплашамиз. Web Studio очиш учун нималар лозим?

Тажриба

Биринчи галда сиз ушбу соҳада бироз тажрибага эга бўлишингиз керак ва интернет орқали бизнес қилиш ҳақида, оз бўлса ҳам, асосий тушунчага эга бўлишингиз даркор. Агар сизда етарли тажриба бўлмаса, бирор мавжуд компанияда ишчи сифатида иш бошлашингизни маслаҳат берамиз. Шунда ушбу соҳанинг нозик томонларини ўргана-сиз ва муваффақиятга элтувчи қимматли тажрибага эга бўласиз.

Web Studio фаолият турлари кўп. Сиз улардан фақатгина бирини бажаришингиз мумкин, масалан, веб-дизайн, дастурлаш, копрайтинг ва ҳ.к. Қандай бўлмасин, бизнесингизни муваффақиятли бошқариш учун сиз ушбу соҳалар асослари ва хусусиятини билишингиз керак.

Мутахассислар жамоаси

Профессионал жамоа — бизнесингиз муваффақияти асосидир. Web Studio ташкил қилишдан аввал сиз алоҳида ёки биргаликда бир қанча вазибаларни бажара оладиган мос жамоани туплашингиз керак. Бошланишига 5 нафар ходимни ёлласангиз ҳам бўлади. Рақиб компаниялар билан ҳамкорлик эса икки томон учун ҳам фойдалидир.

Офис

Бу бизнесда офиснинг мавжудлиги унча аҳамиятли эмас. Бироқ Web Studioнинг ўз офиси ва телефон рақами бўлса мижозларнинг ишончини қозонади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам айрим ишчилар асосан уйда ишлашади. Шундай экан, катта хона ижараси учун пул сарфлашдан нима маъно?



Қандай қилиб Web Studio очиш мумкин?

Жихозлар

Web Studio асосий жиҳозлар бу — албатта, замонавий ва кучли компютерлар. Яна бир қанча рангли принтерлар, сканер ва бошқа офис жиҳозлари. Кейин доимий ва юқори тезликдаги интернет алоқаси. Буларсиз сиз ҳеч нарса қила олмайсиз.

Тўсиқларни бартараф қилиш

Мижоз билан бизнес алоқаларда шартномаларни имзолашда тартиблар ижроси муҳим. Сизда компания сифатида ушбу шартномаларни имзолаш учун ҳуқуқ бўлиши керак, барча керакли қонуний ҳужжатларга эга бўлишингиз даркор. Бу Web Studioнинг ҳақиқатан мавжудлигини аниқлатади. Чунки, буйруқлар нафақат бир шахс томонидан, балки бутун бир компания томонидан ҳам берилиши мумкин.

Нима учун Web Studio очиш даромадли?

Web Studio ташкил қилишнинг кўп афзал томонлари бор. Биз энг

муҳим уч жиҳатини кўриб чиқамиз.

1. Машҳурлиги ва ушбу хизматга эҳтиёжнинг кўлиги. Юқорида таъкидлаганимиздек, интернет тезлик билан ўсиб борапти. Шунингдек, шу соҳадаги хизматларга бўлган эҳтиёж ҳам ошмоқда. Сайтларни бевосита яратишга қўшимча тарзда, бу кенг соҳадаги фаолият мавжуд онлайн лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

2. Бизнесдаги бошланиши кам сармояли лойиҳа.

3. Катта ривожланишдаги истиқболли лойиҳа. 3-5 кишидан иборат кичик бир Web Studioдан сиз, охири-оқибатда, ушбу соҳанинг тўла хизматларини ижро эта оладиган, юқори малакали мутахассисларга эга, муҳим барқарор компания яратасиз.

Бу бизнесда қандай қийинчиликларга дуч келиш мумкин?

Кўпинча шундай ҳолатлар бўладики, мижоз билдирилган хизматларга нарх қанчалик боғлиқлигини тушунмаган ҳолда, сайт яратиб бе-

риш ёки бошқа хизматларни сўрайди. Мижоз қиммат ва арзон веб-сайтлар орасида қандай фарқ борлиги, қиммат веб-сайтлар орқали қанчалик кўп фойда кўра олиши, акс ҳолда эса йўқотиши мумкинлигини тушуниши учун узоқ вақт керак.

Ҳар қандай Web Studio, асосан энди иш бошлаганлари, ёлланма ишчилар билан ишлайди. Бундай ҳамкорликда ишлаш компания учун таваккал ишдир. Бундай вазиятда ёлланма ишчилар қандай бўлиши ва ярим йўлда ишни тўшлаб кетмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Мижоз билан узоқ вақт ишлаш талаб қилинади. Бунда сиз мижозга нима кераклигини, унинг хоҳиш-истакларини инобатга олишингиз лозим.

Бунёдбек ҲУСАНОВ,
TATU Фарғона филиали
магистранти



Е-спорт: Барча финалчилар аниқланди

13-14 сентябр кунлари пойтахтнинг Lisnet клубида Zo'r-Zo'r UCG 2014 е-спорт бўйича Ўзбекистон чемпионатининг яқиний саралаш турнири бўлиб ўтди. Унда Dota AllStars ўйини бўйича 60 гуруҳ, FIFA 14 ўйини бўйича эса 100дан ортиқ геймерлар иштирок этишди.

Dota AllStars ўйини бўйича миллий финалга 5та йўлланма уйнади. I ўринни Сардор Олимов, Қайрат Файзиев, Рустам Мирзабобоев, Темур Қодиров ва Бобур Наҳимбековлар иштирокидаги VVV гуруҳи эгаллади.

II ўринни Родион Ким, Исрол Саидмахсумов, Кирилл Шин, Отабек Азимбоев ва Темур Ражабовлар иштирокидаги Lis.Net гуруҳи эгаллади.

III ўринни Iccur гуруҳи эгаллади: Шоҳруҳ Комилов, Шаҳзод Мавлонов, Темур Қўчқоров, Владислав Хван ва Шерали Болтаҳужаев.

FIFA 14 ўйини бўйича турнирда финал турнир учун уч йўлланма уйнади. Бунинг натижасида I ўринни Олим Исмоилов эгаллади, II ўрин Павел Саприкинга насиб этди, бронза медали учун ўйинда эса Уктам Ибрагимов голиб бўлди.



Голиб ва совриндорларга Beeline компанияси-дан совринлар тақдим этилди.
Dota AllStars ўйини бўйича миллий финал 20

сентябр кунли Lisnet клубида бўлиб ўтади, 26 сентябр кунли эса ICTExpo-2014 кўргазмасининг бош саҳнасида FIFA 14 ўйини бўйича миллий финал бўлиб ўтади. Унда худудий саралаш босқичлари голиблари: Бобуршоҳ Насуллоев (Бухоро), Дилшод Абдураҳмонов (Самарқанд), Абдор Рустамов (Фарғона), Абдусупи Қаюмов ва Сирожиiddин Камолов (Dream-Pro А профессионал лигаси голиблари), Олим Исмоилов, Павел Саприкин ва Уктам Ибрагимовлар (Тошкент) курашади.

Dota AllStars ўйини бўйича финалда худудий саралаш босқичининг голиб гуруҳлари — AllStars (Бухоро), Lux (Самарқанд), GGFly (Фарғона), VVV, Lis.Net, Iccur, TNT и CC (Тошкент) иштирок этишади.

Zo'r-Zo'r UCG 2014 чемпионатининг голибларини тақдирлаш маросими 27 сентябр кунли "Зарафшон" маросимлар залида бўлиб ўтади.

О'QUV-DAVRA

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Гаройиб шаршаралар". Х/ф.

18.20 "Мен ва У." 18.45 "Рафиқалар ва қизлар". Т/с.

ПАЙШАНБА — 25 СЕНТЯБР

10.00 "Давр". 10.10 "Кайтар дунё". Т/с. 11.00 "Шарқ гавҳари".

СЎНГҲА

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!" 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Ройтахт".

19.50 "Бизнинг даҳолар". 19.55 "Навоий махзани". 20.25 "Очқ мулоқот".

13.50 АНОНС. 14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 "Sport ensiklopediya".

О'QUV-DAVRA

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Гаройиб шаршаралар". Х/ф.

6.00 "Ватан мекри". 6.10 "Тараннум". 6.50 "Устозга таъзим".

ЖУМА — 26 СЕНТЯБР

8.00 "Бир қадам". Т/с. 8.40 "Ёшлик наволари". 9.00 "Қалбим чечаги". Т/с.

СЎНГҲА

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!" 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Ройтахт".

21.15 "Сайёр камера". 21.35 "Ройтахт-эко". 21.45 "Теле-маркет".

14.15 "Sport ensiklopediya". 14.20 "Техно-спорт". 14.30 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕ-ОН-2014".

О'QUV-DAVRA

00.30 Кўрсатувлар тартиби. 00.35 "Кўрганларимиз ҳақида". 1.00 "Аҳборот" /рус/.

6.00 "Ватан мекри". 6.10 "Тараннум". 6.50 "Устозлик бахти".

ШАНБА — 27 СЕНТЯБР


18.50 "Телетухфа". 19.00 "Давр". 19.30 "Ишқ жодуси". Т/с.

9.35 "Пойтахт Hi-tech". 9.45 "Тошкентнома". 10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт" /рус тилида/.

2.20 "Мона Лиза табассуми". Б/ф. 4.00 "Тошкент вақти". 4.50 "Дунё" теледастури.

ТОН ЧЕМПИОНАТИ. "ОЛ-МАЛИК" - "НЕФТЧИ". 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Спорт сайёраси".

ЯКШАНБА — 28 СЕНТЯБР




5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Шунчаки севдим". Б/ф.
2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Олтин оху". М/ф.
9.15 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
9.30 "Сирли боғга қайтиш". Б/ф. Премьера.
11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.45 "Кунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.00 "Дилнаво".
13.35 Ҳинд киноси: "Кел, раққа тушайлик".
16.00 Жаҳон мусиқаси ҳазина-сидан. Ж. Верди. "Риголетто". 2-қисм.
17.00 "Иқлим".
17.05 "Хушқачқак".
17.25 "Моҳир ошпаз". Б/ф.
19.15, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" /рус/.
20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
22.40 "Шурданак".
23.10 - 00.50 "Тақдир ҳукми". Б/ф.
00.50 Кўрсатувлар дастури.
00.55 "Иқлим".
1.00 "Таҳлилнома" /рус/.
1.30 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
2.15 "Хушқачқак".
2.35 "Нақшлар камалаги".
2.45 "Шарк тароналари".
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Таҳлилнома".
4.40 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
5.40 - 5.55 "Кунларнинг бирида".

9.35 "Мисли гавҳар".
9.50 Ҳинд киноси: "Ҳаётда ҳамма нарса бўлади". Б/ф.
12.50 "Пойтахт-культура".
13.00 "Тошкент вақти".
13.50 "Шоҳ Саитан ҳақида эртас". М/ф.
14.40 "Қалр ортида".
14.55 "Юрт ҳақида кўшиқ".
15.10 "Аъло кайфият". Ҳажвий кўрсатув.
15.25 "Обод наҳдон".
15.45 "Ўзбекистон рақслари".
16.00 "Роухат-авто".
16.10 "Булутдаги саргузаштлар". Б/ф.
17.45 "Миттивойлар оиласи".
18.05 Болалар учун фильм: "Дарвозаларни алмаштирамиз".
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Бизнинг даҳлар".
19.55 "Навий маҳзани".
20.00 "Ҳикмати дунё". Теле-новелла.
20.25 "Бахт кўрғони".
20.55 "Кинотақдим".
21.15 "Теле-маркет".
21.25 "Пойтахт-шаҳарлар".
21.30 "Джейн Эйр". Б/ф. /рус тилида/.
23.30 "Всё о туризме".
00.05 "Птицы". Х/ф. /рус тилида/.
1.40 "Аъло кайфият". Ҳажвий кўрсатув.
2.00 "Роухат".
2.20 "Менинг сўнги тангоим". Б/ф.
4.00 "Тошкент вақти".
4.50 "Дунё" теледастури.



6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. "ОЛМАЛИК" - "НЕФТИЧИ".
7.55 "Мураббий".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 ИНТЕРФУТБОЛ.
10.00 "Sport rekordlari".
10.05 АНОНС.
10.10 "Маҳорат мактаби".
10.30 "Шижоат".
10.55 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".
11.55 АНОНС.
12.00 "Халқ уйинлари".
12.20 "Қувноқ стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 "Sport ensiklopediya".
13.20 "Техно-спорт".
13.30 АНОНС.
13.35 "Куч бирликда".
14.05 "Фурур".
14.20 "Эътироф".
14.30 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".
15.30 "Эстафета".
15.50 АНОНС.
15.55 Теннис АТР/ВТА турнири.
17.40 "Спорт сайёраси".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Орузлар кемаси".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 АНОНС.
19.05 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".
20.05 "Техно-спорт".
20.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
20.30 "РЕПОРТАЖ. ИНЧЕОН-2014".
21.25 "Sport rekordlari".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 АНОНС.
22.05 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.45 АНОНС.
23.50 "Эътироф".
00.00 АНОНС.
00.05 Трамплиндан сакраш. Елги гран-при.
1.00 Вoleyбол. Гран-при турнири.
2.20 Теннис АТР/ВТА турнири.
4.05 АНОНС.
4.10 - 5.50 ИНТЕРФУТБОЛ.



5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00 "Бу акб дунё". Х/ф.
7.00 "Тошкент вақти".
7.50 "Соз сеҳри".
7.55 "Бизнинг даҳлар".
8.00 "Роухат news".
8.20 Тошкент тароналари.
8.30 "Дилбандим" тележурнали.
9.00 Миллий сериал: "Бедор туйгулар". Т/с.

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Дилга яқин кўшиқлар".
6.50 "Устозлик бахти".
7.00 "Мультипанорама".
7.30 "Киноқаҳрамон".
8.00 "Кичкина табиб". Б/ф.
9.40 "Устозлар".
9.45 "Omad lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Душанбагача бир гап бўлар". Б/ф.
12.10 "Кўзгу". Ҳажвия.
12.30 "Нуқтан назар".
13.10 "Годзилла". Б/ф.
13.30 "Гараннум".
16.10 "Аловуддиннинг сеҳрли чирого". Б/ф.
17.30 "Мультипанорама".
18.50 "Устозлик бахти".
19.00 "Давр ҳафта ичиди".
19.30 "Раҳмат, ака!" Ҳажвия.
20.00 "Имкон-шоу".
21.00 "Ража амаки". Б/ф.
00.10 "Ўзбек адабиёти".
00.40 "Оҳанглар сеҳри".
1.00 "Балет олами".
1.50 "Ватанпарвар".
2.30 "Ош бўлсин!"
3.00 "Куз чизилари".
3.10 "Сув остига саёҳат".
3.30 "Шарк гавҳари".
4.00 "Сеҳрли қўллар".
4.30 "Киноқаҳрамон".
5.00 "Соғлом оила - соғлом бола".
5.30-6.00 "Давр ҳафта ичиди".

ТВ-дастулар «Садо» МҶЗ томонидан тақдим этилди.

Болалар келажакимиз

Бир озгина бепарво қолдин-гизми, олов сизга қарши хужумга ўтади, умрбўйи йиғиб-терган, пешона тери билан тўплаган мол-мулкингиз, уй-жойингиз, ҳаттоки ҳаётингизга ҳам хавф солади. Шундай экан, бу ёвга қарши ҳамкорликда ва ақл билан кураш олиб бориш зарур.

Ённинг қарши кураш, аввало, фуқароларимизга тарғибот-тушунтириш ишлари орқали оилада, мактабгача тарбия муассасаларида бошланмоғи лозим. Зотан, болаларнинг катталар назоратидан четда қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатда келиб чиқадиган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқда.

Бола онгида ёнғин келтириб чиқувчи омиллар, унинг оқибатлари

ҳақида тасаввурни жуда эрта уйғотиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бола ўзига ёшлигидан ўргатилган билимларни ва кўрсатилган кўникмаларни умрбод унутмайди. Бу билим ва кўникмалар уни ҳар доим ҳушёрликка ундайди. Болалар боғчаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бағишлаб ўтказилаётган суҳбатлар ўз вақтида самарасини бериши, шубҳасиз. Ана шундай талбирлардан бири яқинда Чилонзор туманидаги 309-болалар боғчасида бўлиб ўтди. ЁХБ ходимлари иштирокида ёнғин, унинг оқибатларига бағишланган учрашув боғча болаларида катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувлар ёнғинга қарши турли тарғибот материаллари, кўргазма-

ли қуроллар, ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари таҳлилларидан фойдаланиш кўнгилли самара беришга ишончимиз комил.

Фақат озгина эътибор, кунт бўлса, ноҳус ҳолатларнинг олди олинари. Кўпгина ҳолларда катталарнинг бефарқлиги болаларнинг жабрланиши, ногирон бўлиб қолишига олиб келадиган кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан, ота-оналардан доимо огоҳ бўлишни, болаларнинг "тилсиз ёв" билан ўйнашга йўл қўймайликларини сўрардик. Токи, келажакимиз бўлган болалар хавфсизлиги таъминлансин.

Дониёр ХУСАНОВ,
Чилонзор ТИИБ ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"САНОВАТ-НО" ҳусусий фирмасининг (Наманган вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004206 рақамли:

"ELEKTRO-QURILMALARINI TA'MIRLASH" маъсуляти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004041 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 15 сентябрдан туғатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганлиги сабабли "TOSHTELE-FONQRILISH" маъсуляти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003788 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2014 йил 16 сентябрдан бошлаб 10 иш кунига тўғатилади.

Табрик.тай.уз!

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар ПАТ ва Тошлоқ ПАТ ходимлари Абдуҳалимжон ШУМИНОВ ҳамда Носиржон ШАМСИДИНОВларни 55 ёши, Учкўприк ва Олтириқ ПАТ ходимлари Абдурахим ҚОДИРОВ, Қўнайсинон ПУЛАТОВА ҳамда Якубжон АЙМАТОВларни 50 ёши билан сазимий қўтайди. Уларга энг эзу тилакларини йўллайди.

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Чортоқ ТБ жамоаси ва қасаба уюшмаси қўмитаси боғлама бошлиғи Рустам ТУРСУНОВ, бошлиқ ўринбосари Файзрахмон ТИЛЛАБОЕВ, электромеханик Обидхон УБАЙДУЛЛАЕВ ҳамда кабел-пайвандловчи Бахриддин ИСАҚОВларни 55 ёши билан муборакбод этади. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Қўқон шаҳар ТБ ходими Бахтиёржон МАМАЮНУСОВни 50 ёши, Бағдод ТБ ходими Ҳакимжон АБДУЛЛАЕВни муборак 60 ёши, Учкўприк ТБ ходими Абдулаттон ҚУЛДОШЕВА ва Қўқон шаҳар ТБ ходими Мавлудхон ТУРОНОВларни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг келишувига асосан, 2014 йил 10 октябрдан бошлаб почта алоқасининг универсал хизматларига янги тарифлар амалга киритилади.

20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ичида жўнатиш учун қуйидаги тарифлар ўрнатилган:

- Оддий хат-хабарлар — 250 сўм
- Буюртмали хат-хабарлар — 500 сўм
- Оддий бандерол — 250 сўм
- Оддий майда пакет — 290 сўм.

Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча почта алоқаси корхоналари ва бўлимларида мавжуд.

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

ООО "САМИТЕХКОМ"

ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

- Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CAPTIVA, LACETTI, SOVATL, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).
- Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой картой.

Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г.Самарканд. Тел: +99893 333-04-26;
+99893 333-04-35.

Свидетельство № 04558

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Тимур КАЙЗЕР номига берилган 225-13-12 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Уйдагиларни соғинсан ёки чўнтакда шамол айланиб қолса, дадамнинг қўл телефонига кўнгироқ қиламан. У ёқдан чиройли овоз эшитилади: "Телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида.". Ие, ҳар гал шу, кейинги пайтларда дадам ҳам... Шундай дейману қишлоғимизда қўл телефонларининг антеннаси бировга тутқич бермаслигини яхши биламан. Битта ҳамқишлоғимиз уйига каттакон антенна ўрнатган экан, қариндош-уруғ, кўни-кўшни гаплашавериб, охири "банкрот" бўлибди. Шундан кейин "сотка" деганлари чиқиб, ҳамманнинг оғзи қулоғига етди. Аммо бу янгликнинг ҳам нағмаси кўп экан. Уйдагилар мен билан гаплашмоқчи бўлишса, антенна чиқадиган жой излаб, қирма-қир ошишади. Бир гал одам хижолат тортидиган воқеа юз берган. Шаҳардан меҳмонлар келадиган бўлиб қолишди. Уйимизни аниқ билишмайди. Телефонда йўл кўрсатиб туришнинг иложи йўқ. Томнинг устига чиқиб, боғлангандай бўлдик, аммо гап гапга уланмади, узилиб қолаверди. Йўлга чиқишган экан. Машинага ўтириб, бир-икки қир ошиб, катта жарлик ёқасида кутиб турибмиз, қани энди кўрина

қолишса. Телефон қилсак, нукул "хизмат доирасидан ташқарида" деган гапни эшитамиз. Қош қорайганида уйга қайтсак, меҳмонлар етиб келиб, битта кўйни паққос тушириб бўлишибди.

Қишлоғимиз тоққа яқин эмасми, қўл телефонида росмана гаплашиб бўлмайди. Пастроқда яшайдиганлар мақтаниб қолишади:

— Бизнинг томда антен-

Амтемина

(Ҳажбич)

на тўла чиқади, мириқиб гаплашасан.

— Бизники қизиқ, ҳовлига чиқиб, катта харсангош устига кўтарилсанг, шунақа тиниқ эшитиладики...

— Кўшимнинг деворини тагига боришим билан антенна кўринади, сал қимирласанг йўқолади.

Қишлоққа борсам, энг аввало, шаҳарга телефон қилиш учун қаерда антенна яхши чиқишини билиб оламан. Шунақа уddaбу-

ронлар пайдо бўлибдики, қайсидир телефонга SMS юбориб, телефонларини қўлларида ўйнатиб, тўлқин туттишади. Бир гал қиш пайти, молхона томига чиқиб, тўлқин тутатган эдим, оёқ қургур сирганиб, пастга шунақа шўнғидимки...

Қишлоғимизнинг ўртасида тошдан қилинган девор бор. Қир томонга ўтишга эринганлар, томга, дарактнинг устига чиқолмайдиганлар шу жойга келиб, деворнинг устига турнақатор бўлиб тизилишади-да, шаҳарга, туман марказига, яна аллақарларга кўнгироқ қилишади.

Биров ҳингир-ҳингир қилади, бошқа биров томоғини қириб гаплашади. Берилиб кетиб девордан пастга қулаганлар қанча.

Мана, бугун ҳам дадамга телефон қилишман. Пул тутаганига анча бўлди. Аммо боғланганининг иложи йўқ. Нукул: "Телефон хизмат доирасидан ташқарида" дейди қизи тушмагур. "Дадангиз тошдевордан анча узоқда" деса бўлади-ку? Ё қишлоқдошлар деворни бузиб, ўрнига замонавий телефон станцияси қуришгаётганимикин-а? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Ўтган гал борганимда кулоғимга чалингандай бўлувди. Шундай бўлса борми, роса мириқиб гаплашамиз-да...

Азиз НОРҚУЛОВ

ХАЛҚ ТАБОБАТИ



ЯНТОҚНИНГ ДАВОСИ

Табиатда ҳар бир гиёҳ қайсидир касалликка даво. Жумладан, оддийгина янтоқнинг ер устки қисми гастрит, меъда-яра касаллиги, ичбуруғ, ангина, йирингли отит, баъчодон бўйни эрозияларида энг самарали малҳам ҳисобланади. Бунинг учун майда янчилган янтоқ тидан икки чой қошиқ микдорига термосга солиб, устидан қайнаб турган 200 мл. сув қуюясиз. Икки-уч соатдан сўнг дамламани сузиб оласиз. Сўнг кунига бир ошқошиқдан уч-тўрт маҳал ичиш kifоя.

КАРАМНИНГ ДАВОСИ

Сариқ касаллиги, гастрит, ўпка сили, юқори нафас йўллари яллиғланишида янги карам суви энг яхши даво. Янги карам сувини (унга шакар қўшсангиз янада яхши) овқатланишдан ярим соат аввал бир стакандан кунига уч маҳал ичишингиз керак. Ана шу муолажани бир ой давомида амалга оширсангиз, танангиздаги дарддан асар ҳам қолмайди.

ЗАЙТУННИНГ ДАВОСИ

Зайтун мойи тана семириб кетишининг олдини олиш билан бирга, юрак фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, унинг таркибидagi антиоксидантлар саратоннинг юзага келишига сабаб бўладиган микроорганизмларнинг эркин ҳаракат қилишига тўсиқ бўлади.

Зайтун ёғи қўшиб янги сабзавотлардан тайёрланган салатлар гоят шифобахшигина бўлиб қолмасдан, ёшликни асровчи восита ҳамдир. Шунингдек, бу ёғ ошқозон ярасини даволашда жуда асқотади.

Ҳақиқатлар

Ошхонадан идишларнинг бир-бирига урилиб, жаранглаб синган овози эшитилди. Ота-ўғил бир муддат ўша томонга жимгина қулоқ солиб ўтиришди. Сўнг ўғли пичирлаб отасига деди:
— Идишни ойим синдирди!
— Сен қаердан билдинг?
— Чунки, ойим синглимга бақирмади!

Телевизорда футбол кўришга ошиққан эрга хотин деди:
— Уйин натижасини радиодан эшитдим, истасангиз айтишим мумкин.
— Жим, жим! Ўзим кўрмоқчиман...
— Кўрсангиз кўраверинг, аммо биласизми, улар барибир гол уришмайди.

Она боладан сўради:
— Ошхонада икки бўлак торт бор эди, ҳозир унинг бир бўлаги қолибди. Буни менга тушунтира оласанми?
— Албатта! Қоронги эди, шунинг учун иккинчи бўлакни кўрмабман!

BRENDOMANIYA



GreenLabs. Лойиҳалаш, дизайн, веб-ишланмалар соҳасида фаолият юритувчи бу компания нега дарактнинг рафз сифатида танлаган? Яхшилаб эътибор қаратилса, даракт шаклдан миёга ўхшайди. Бир томондан, бу логотип компания ходимларининг катта интеллектуал салоҳиятини акс эттирса, иккинчи томондан, компания номини англалади: "green" (яшил) ва "labs" (лабораториялар).

PAZANDA MASLAHATI

ҚАЛАМЧАЛИ САЛАТ

Керакли масалликлар: 1 халтача (пакет) краб қаламчалари, 100 грамм қайнатилган гуруч, 6 дона қайнатилган тухум, 1 банка консерваланган жўхори, 50 грамм лимон шарбати, 1 дона кўк олма, 200 грамм майонез, таъбга кўра туз ва мурч.

Тайёрланиш усули: краб қаламчалари, тухум ва олма сомонча шаклида тўғралади. Унга гуруч, консерваланган жўхори, лимон шарбати, таъбга кўра туз қўшилади. Барча масалликлар майонез билан аралаштирилади.

Дастурхонга тортишдан олдин салат усти кўкатлар билан безатилади.

Лола СУЛТОНОВА

Xabar

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ КўМАНТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақамни билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Маязил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Г-965 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 10878 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдкор йўли, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БўРИЕВ.
Навбатчи: Усмолжон ЙўЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80	Бухорода 715-87-21	Гулистонда 240-00-46	Жиззахда (94) 199-95-64	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 230-64-80	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 288-40-66	Урганча (90) 713-21-40	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99
---------------------	--------------------	----------------------	-------------------------	--------------------	-------------------	-----------------------	------------------------	---------------------	------------------------	---------------------	-----------------------